

Ҳажга навбатда турганларнинг ягона онлайн навбати 1 декабрдан ишга тушади



22:04 / 27.11.2023 1668

Президент фармонида кўра, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб ҳудудлар кесимида Ҳаж зиёратига бориш учун навбатда турган фуқароларнинг ягона онлайн навбати тегишли идораларнинг расмий сайтларига жойлаштирилиши талаби белгиланди. Очиқ эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхати кенгайтирилмоқда.

“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” президент фармони [қабул қилинди](#).

Ҳужжатга асосан, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ҳаж тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати ҳақидаги маълумотлар очиқ эълон қилиб борилади.